



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

## **ИЖТИМОЙИ ТАРМОҒДАН ФОЙДАЛАНИБ ҚИМОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН БОШҚА ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ НАЗАРИЙ- ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Йўлдошев Обиджон Зокирович

ИИВ Академияси Магистратура Ташкилий-тактик бошқарув  
мутахасислиги тингловчиси

Ҳукумат Ўзбекистонда қимор ўйинлари, лотерея ва букмекерлик фаолиятини ташкил этиш учун талаб ва шартларни тасдиқлади. Ташкилотчилар учун лицензия муддати 5 йил этиб белгиланди, уларнинг устав капитали камида 56,25 млрд сўм бўлиши шарт. Шунингдек, бир қатор тақиқ ва чекловлар ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси интернетда таваккалчиликка асосланган ўйинлар, лотерея ва ставкалар (букмекерлик) ташкилотчилари учун лицензия олиш талаблари ва шартларини тасдиқлади. Қарор 6 декабрь куни қабул қилинган бўлсада, 12 декабря келибгина эълон қилинди.

Мазкур ҳужжат президентнинг апрель ойидаги фармонини ижро этиш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2025 йил 1 январдан бошлаб таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар ва букмекерлик фаолиятини ташкил этишга рухсат берилади.

Ҳукумат лицензияловчи орган (Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, ИЛМА) томонидан берилган лицензиялар асосида ташкил этилган лотереялар, интернет ўйинлар ва букмекерлик ставкаларида иштирок этиш қонуний ҳисобланишини белгилайди.

Лотереялар анъанавий тарзда қоғозда лотерея билетларини чиқариш, шунингдек, электрон шаклда ташкил этилади.

Интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерликни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш учун 5 йил муддатга намунавий лицензиялар берилади.

Қимор ўйинлари ташкилотчилари ўз хизматларини тақдим этиш учун факат битта миллий интернет сегменти доменидан фойдаланиши мумкин.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

Онлайн ўйинлар учун дастурий таъминот, шунингдек, лотереялар учун тасодифий сонларни генерация қилиш технологиялари лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган ваколатли органлар ва синов лабораториялари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда, шунингдек, ўйинчилар рўйхати, чекловлар, шу жумладан сарфланиши (ўйналиши) мумкин бўлган суммалар, транзакциялар ва ютуқлар бўйича тўловлар лимитларини ўз ичига олган ставкалар ва ўйинчиларнинг ягона давлат реестри юритилади.

Истиқболли лойихалар миллий агентлиги реестрни ишлаб чиқиши буюртмачиси, Uzinfocom давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-куватлашнинг ягона интегратори — реестрни ишлаб чиқувчи ва оператори ҳисобланади.

Лотерея билетларини (ёки лотереяда иштирок этишнинг бошқа шаклларини) сотишдан олинган **маблағлар иштирокчилар ўртасида ютуқлар (совринлар) тарзида муайян энг кам нисбатларда тақсимланиши керак:**

**Анъанавий лотереялар** (бунда чипталар қоғоз шаклида чиқарилади) учун иштирокчиларга ютуқларни тўлаш учун йигилган умумий даромаднинг камида 50 фоизи ажратилади. Маблағларнинг қолган қисми (50 фоизгacha) ташкилотчилар томонидан харажатлар, солиқлар, йигимлар ёки фойдани қоплаш учун ишлатилиши мумкин.

**Электрон лотереялар** (бунда иштирок этиш рақамли платформалар орқали амалга оширилади) учун иштирокчиларга ютуқларни тўлашга жами йигилган даромаднинг камида 75 фоизи ажратилади.

Интернет-ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолиятини ташкил этиш учун лицензиялар беришдан ва уларни ўзгартиришдан тушадиган давлат божининг 20 фоизи лицензияловчи орган ҳисобига ўтказилади.

Қарорга кўра, бир вақтнинг ўзида қўйидаги мезонларнинг камида иккитаси мавжуд бўлса, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, жумладан, интернет-ўйинлар, букмекерлик гарови ва лотереяларнинг ўтказиш жойи сифатида Ўзбекистон Республикаси тан олинади:

ўйинчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса;

ўйин Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган бўлса;



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

---

ўйинчи ўйинда Ўзбекистон худудидан қатнашса;

ўйинга кириш учун Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган IP-манзил ва/ёки Ўзбекистон халқаро кодига эга мобил телефон рақамидан фойдаланилади; пул маблағларини киритиш ва чиқариш учун Ўзбекистон банклари томонидан эмиссия қилинган банк карталаридан фойдаланилади ёки ҳисоб-китоблар ва клиринг Ўзбекистон худудида ўтказилади;

ўйин Ўзбекистон худудида яшовчи ўйинчилар учун мўлжалланганда, жумладан, давлат тилида тақдим этилганда ёки реклама қилинганда.

Қимор ўйинларининг ташкилотчилари янги ўйинчиларни рўйхатдан ўтказишлари, букмекерлик ўйинларига ставкаларни ва онлайн-ўйинларда иштирок этиш учун тўловларни фақат ўзларининг расмий веб-сайтлари орқали электрон шаклда қабул қилишлари, ставкалар ва ўйинчилар реестридан фойдаланишлари ва ўйинчининг шахсини тасдиқлашлари шарт.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига қуидаги ваколатлар берилади:

Ўзбекистон Республикаси резидентларига таваккалчиликка асосланган ўйинлар ва лотереялар ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатувчи хорижий юридик шахслар фаолиятини текшириш. Бунда бундай текширишларга Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари татбиқ этилмайди;

Хорижий юридик шахсларга нисбатан таваккалчиликка асосланган лотереялар ва ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар қўллаш. Бунда жарима суммасининг 50 фоизи лицензияловчи органнинг ҳисоб варағига ўтказилади; Лотереялар, интернет-ўйинлар ва букмекерлик ставкаларини ташкил этиш фаолиятини лицензиялашда, шунингдек ушбу фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишда асосланган мулоҳазадан фойдаланиш.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги қуидагиларни юритади:

Интернет тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик ставкаларига асосланган ўйинларда **иштирок этиш тақиқланган Ўзбекистон фуқаролари ва чет эл фуқаролари тоифаларининг рўйхати;**



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

**Таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги мавжуд шахслар рўйхати.** Жисмоний шахс ушбу рўйхатга ўз аризасига кўра 6 ойдан 5 йилгача муддатга ёки суд қарори асосида яқин қариндошининг аризасига кўра 5 йилгача муддатга киритилиши мумкин.

Уч ой муддатда Ўзбекистон фуқароларининг ёши, соғлиғи, даромад манбалари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда интернетдаги қимор, лотерея ва ставкаларда иштирок этиши тақиқланган тоифаларини ишлаб чиқиши тасдиқлаш топширилди.

Рақамли технологиялар вазирлиги чекловлар рўйхати тасдиқлангандан сўнг икки ой муддатда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини техник қўмак кўрсатган ҳолда реестрдаги тегишли маълумотлардан фойдаланиш учун уланишини таъминлаши керак.

Ўйинлар ва ставкалар ташкилотчилари учун талаблар;

Ўзбекистонда қимор ўйинлари, ставкалар ва лотереяларни ташкил этиши билан фақат юридик шахслар — мамлакат резидентлари шуғулланиши мумкин. Улар ўйинлар ташкил этиладиган серверларни мамлакат худудида жойлаштиришлари керак.

Ўйинлар ва ставкалар ташкилотчилари учун энг кам устав капитали 150 минг БҲМни (56,25 млрд сўм), лотереялар учун эса 55 минг БҲМни (20,625 млрд сўм) ташкил этади.

Бундан ташқари, банқдаги маҳсус ҳисоб рақамида ўйинлар ва ставкалар учун БҲМнинг 75 минг баравари (28,125 млрд сўм) ва лотереялар учун БҲМнинг 40 минг баравари (15 млрд сўм) захира жамғармасини шакллантириш зарур. Бу пуллар ютуқлар бўйича қарзларни тўлаш, ставкаларни қайтариш, солиқ ва бошқа мажбуриятларни бажаришга йўналтирилади.

Қуйидаги шахслар интернет тармоғида ўйинлар, букмекерлик фаолияти ва лотереялар ташкилотчиларининг раҳбарлари бўлиши мумкин эмас:

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишида иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётганлар; иқтисодий жиноятлар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, коррупция, кибержиноятлар



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

учун гумон қилинаётган ёки судланган, бундай шахсларнинг судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугалланмаган бўлганлар;

уч йилдан кам вақт олдин лицензия талаблари бузилганлиги сабабли қимор ўйинларини ташкил этиш лицензиясидан маҳрум этилган компанияларнинг таъсисчилари, бош бухгалтерлари ёки ижрои лавозимларида ишлаган бўлганлар;

икки йилдан камроқ вақт олдин банкрот деб топилган компаниянинг ижроия органи аъзолари бўлганлар.

Бундан ташқари, даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашиб бўйича халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган мамлакат резиденти ташкилотчи компания таъсисчиси бўла олмайди.

Шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларга бош бухгалтер бўлиш тақиқланади.

Таъсисчи ва якуний бенефициар ўртасида учдан ортиқ бўғиндан иборат ҳаддан ташқари мураккаб эгалик тузилмаси бўлмаслиги керак. Раҳбарлар таркибидаги ўзгаришлар, шунингдек устав капиталидаги улушларни бошқа шахсларга ўтказиш бўйича ҳаракатлар Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан келишилиши лозим.

Лотереялар ташкилотчилари учун қўшимча лицензия талаблари ва шартлари белгиланган. Хусусан, чиқарилган ва муомалада бўлган лотерея билетлари ҳажми фаолиятнинг биринчи йилида литсензиатнинг ўз маблағлари микдорининг 5 бараваридан, иккинчи йилида 10 бараваридан, кейинги йилларда 25 бараваридан ошмаслиги керак. Агар литсензиатнинг ўз маблағлари етарли бўлмаса, лотерея ўйинларини режалаштирилган ҳажмда ўтказишга фақат молия ташкилотларининг кафолатлари мавжуд бўлган тақдирдагина рухсат берилади.

**Лицензия олиш қиймати**

Қимор ўйинлари ташкилотчиларини лицензиялаш ва соҳани тартибга солиш учун Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги масъулдир. Фаолиятнинг ҳар бир тури алоҳида лицензияни талаб қиласди.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

Лицензия 5 йил муддатга берилади. Янги лицензияни расмийлаштириш учун БХМнинг 500 баравари (18,75 млн сўм), уни ўзгартириш учун — БХМнинг 250 баравари (9 375 000 сўм) миқдорида йиғим ундирилади.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги букмекерлар ва қимор ўйинлари ташкилотчиларидан барча ставкалардан, шунингдек, ҳар бир лотерея чиптаси учун тушумдан 1 фоиз миқдорида ҳақ олади. Лотереялар ташкилотчилари лотерея ўйинларини ўtkазиш талабларини тасдиқлаганлик учун соврин фондининг 0,1 фоизи миқдорида йиғим тўлайди.

## Тақиқлар

Интернетда қимор ўйинлари, лотереяларни ташкил этиш ва ўтказишида қуидагилар тақиқланади:

Қимор ўйинлари, лотереялар ва букмекерлик ставкаларида иштирок этиш, ютуқ ёки мағлубият билан боғлиқ тўловларни **18 ёшга тўлмаган шахсларга тегишли банк хисоб варакларидан**, шу жумладан банк карталаридан амалга ошириш;

Лотерея билетларини сотиш шохобчаларидан ташқарида қимор ўйинларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўйинчиларнинг бевосита иштирок этиши ва ҳозир бўлишини талаб қиласиган **стационар ёки мобил ўйин заллари, казинолар, ўйин автоматлари заллари ёки бошқа ўйин муассасаларини ташкил этиш**;

**Ўзбекистон худудида ва Ўзбекистон фуқаролари иштирокида бўлиб ўтадиган ҳодисаларга (спорт ўйинлари ва мусобақалари, сиёсий жараёнлар, танловлар ва бошқалар), халқаро федерациялар қоидаларига мувофиқ тегишли тайёргарлик, назорат ва ҳакамлик таъминланган, томошабинлар иштирокида ўтказиладиган халқаро спорт мусобақалари ва тадбирлари бундан мустасно;**

**Болалар ва ўсмиirlар спорт мусобақаларига ставкалар қўйиши.**

## Верификация

Қарор билан Интернетда қимор, лотерея ва ставкалар ташкилотчиларининг мижозларини рақамли (масофадан) идентификация қилиш тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланган. Ўйинчилар рақамли (масофадан) идентификациядан ўтиши



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> February, 2025

шарт. Жараён фақат Ўзбекистон ёки чет эллик мижоз фуқароси бўлган мамлакатга тегишли **IP-манзил ёки телефон рақамидан** амалга оширилиши мумкин.

Мижоз ўзининг фотосурати ва идентификация хужжати (паспорт, ID-карта) нусхасини тақдим этиши шарт. Ўзбекистон фуқароларини, чет эл фуқароларини ва республика худудида доимий ёки вақтинча яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларни текшириш учун электрон хукumat маълумотлар базасидан фойдаланилади. Агар базада мижоз ҳақида маълумот топилмаса, унинг шахсини видеоалоқа орқали аниқлашга рухсат берилади.

Ташкилотчи мижозларни террорчилик фаолиятида, оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатида йўқлигини текшириши шарт. Мижозларни алкоголь ёки бошқа турдаги мастлик ҳолатида ёки учинчи шахсларнинг кўрсатмасига кўра ҳаракат қилаётган ҳолатда текшириш тақиқланади.

Агентлик 2025 йил 1 январга қадар қуйидаги хужжатлар ва тартибларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

интернетда таваккалчиликка асосланган ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик ставкаларини ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш;

лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш;

букмекерлик фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш;

онлайн қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби;

Ставкалар ва ўйинчилар ягона давлат регистри тўғрисидаги низом;

интернет тармоғидаги ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчиларига, шунингдек, соҳада Ўзбекистон резидентларига ноқонуний хизматлар кўрсатаётган чет эл юридик шахсларига жарималар солиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк, Солик қўмитаси ва агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қимор ўйинларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, қиморхоналар ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, бундай ўйинларга пул киритиш учун халқаро тўлов тизимларидан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширилади.